

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

**САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ
КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЙУНАЛИШИ 1-КУРС
175-ГУРУҲ ТАЛАБАСИ ЖУМАЕВА АНОРАНИНГ
“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” ФАНИДАН МУҒУЛЛАР
ИСТИЛОСИ ВА ЗУЛМИГА ҚАРШИ КУРАШ”**

МАВЗУСИДА ТАЙЁРЛАГАН

РЕФЕРАТИ

ҚАРШИ – 2013

Муғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш.

Режа:

1. Ўрта Осиёда муғуллар ҳукмронлигининг ўрнатилиши.
2. Чиғатой улуси: сиёсий ва иқтисодий муносабатлар.
3. Муғуллар истибдоди даврида ўзбек давлатчилиги тарихи.

Мўғул қабилалари ва элатларининг қудратли давлатга бирлашув жарёни мўғул хони Темучин (1155-1227 йй) номи билан боғлиқ.

1205 йилдаёқ Қорақурумда мўғуллар билан ёнма-ён яшаб келган ва уларнинг ҳукмронлиги остида бўлган жалойир, ўйрот, кейройит, найман, қорахитой, қирғиз, уйғур, қорлиқ каби туркий қабилалар ҳам иштирок этган қурултой бўлди ва унда Темучин Чингизхон номи билан мўғул хони этиб сайланди. Ўша даврда Шарқда энг қудратли давлат ҳисобланган Хоразмшоҳлар давлати дастлаб мўғуллар билан бир қанча элчилик ва савдо алоқалари олиб борган бўлсада, кейинчалик бу муносабатлар душманликка айланди ва 1219 йилда мўғуллар Хоразмшоҳлар давлатига қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юбордилар. 1219 йил кузида Ўтрорга дастлабки зарба берилди ва 5 ойлик қамалдан сўнг қалъа босиб олинди.

1220 йилнинг илк баҳорида Чингизхон мусулмон Шарқининг йирик маданий маркази бўлган Бухоро устига қўшин тортди ва шаҳар қамал қилинди. Қамалнинг 12 кунда шаҳар таслим бўлди ва аҳоли қирғин қилинди.

Кейинги ҳужум Самарқандга қаратилди. Гарчи Самарқандда Хоразмшоҳнинг 100 минг кишилиқ қўшини турган бўлсада, ҳимоячилар етарли қаршилиқ кўрсата олмадилар. Қўшин уч кун қаршилиқ кўрсатгач, Чингизхоннинг ёлғон ваъдасига учган қанғликларнинг 30 минг кишилиқ қўшини таслим бўлди. Бироқ шаҳар эгаллангач, аҳолининг катта қисми билан биргаликда қанғликлар ҳам қириб ташланди. Уларнинг йўлбошчилари Борушмас, Боғон, Сарзикхон ва яна 20 нафар саркарда қатл этилди.

Узоқ ва қаттиқ қаршилиқдан сўнг Хўжанд шаҳри ҳам мўғуллар томонидан босиб олинди. Хўжанд ҳимоясига шаҳар қалъаси қўмондони Темур Малик катта жонбозлиқ кўрсатади.

Мамлакатдаги энг буюк шаҳарларнинг қўлдан кетиши Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳни қаттиқ ларзага солади. Саройда фитна ва хиёнат кучаяди. Қундуз, Бадахшон ҳокимлари ундан юз ўғиришди. 1220 йил апрелда Муҳаммад Хоразмшоҳ Нишопурга келди. Аммо Субутой нўённинг уни таъқиб этиб келаётгани сабабли ҳеч ким Муҳаммад Хоразмшоҳни кутиб

олмади ва Каспий денгиздаги Ашура оролида кўним топди. У 1220 йил декабрда Жалолитдин тахт вориси этиб тайинлаб, бир оз ўтмай вафот этди. Хоразмшоҳнинг Ўзлокшоҳ ва Ўқшоҳ исмли ўғиллари мўғуллар томонидан ўлдирилади. Мўғулларнинг Урганчга хужуми чоғида шаҳарда 110000 кўшин бор эди. Шаҳар химоясида Жалолитдин, Темур Малик, Аҳмад ибн Умар Хивакӣ-Шайх Нажмитдин Кубро каби саркарда ва уламолар мислсизқахрамонликлар кўрсатдилар. Урганч қамал етти ой давом этди. Мўғуллар бу ерда бир неча ўн минглаб одамларни қирғин қилдилар. Гарчи Хоразмшоҳ амирларидан Фаридун Удий бошчилигидаги сарбозлар мўғулларни шаҳардан хайдаб чиқарган бўлсада, шаҳар мўғуллар томонидан қайтадан босиб олинди ва манбаларга кўра Урганч аҳолисидан миллион киши ўлдирилган.

Жалолитдин ва Темур Маликлар умрларининг охиригача мўғулларга қарши курашларга раҳбарлик қилдилар. Жалолитдин Мангуберди 1231 йил августида хинона ўлдирилди. Мўғуллар томонидан босиб олинган ҳудудларда эса кейинчалик улус вужудга келди. Чингизхон халқи ҳаётлик вақтидаёқ босиб олинган ҳудудларни тўрт ўғлига бошқариш учун тақсимлаб берган эди. Иртиш дарёсининг нариги томонидан то «мўғуллар отининг туёғи етган жой» гача бўлган ерлар, Сирдарёнинг қуйи оқими (Сифноқ, Барчинлиқкент, Жаникент, Ашнас шаҳарлари) ва Хоразмнинг шимолий-ғарбий ҳудудлари тўнғич ўғли Жўчига берилди. Жўчининг яйловлари Иртишда, қишлоқ жойи Сирдарёнинг қуйи оқими эди.

Қошғар, Еттисув, Мовароуннаҳр иккинчи ўғли Чиғатойга берилди. Чиғатойнинг қўши Или дарёси бўйида эди. Учинчи ўғли Ўғадойхонга Ғарбий Мўғулистон ва Тарбағатой ўлкаси ажратилди. Унинг қўши Чугучакда эди. Чингизхоннинг кенжа ўғли Тулуйга эса отасидан Халха Мўғулистон, яъни, Шимолий Мўғулистон мерос қолди. Унинг қўши Керулен дарёси бўйида эди. Жўчининг ўғли Ботухон (1227-1255), Ўғадой (1227-1241) ва Тулуйнинг ўғли Мунқа(1251-1260) замонида мўғуллар салтанати ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар бўлди ва Олтин Ўрдага асос солинди.

Чиғатой (1227-1241) ўз ерларига инжу тарзида эгалик қилган. Олғуйгача (1261-1266) бу ерларда қонуннинг ҳокимяти жорий этилган. Қоон номидан Чиғатой улусини Махмуд Ялавоч бошқарган. 1239 йилда у Хитойда Пекинга ҳоким этиб тайинлангач, ўрнига ўғли Маъсудбек (1239-1289) ўтказилган. Ҳарбий ҳокимят, аҳолини рўйхатдан ўтказиш, солиқ йиғиш ишлари дорухачи ва танмачи деб аталган мўғул амирлари қўлида бўлган.

Махмуд Ялавоч Хитойга жўнатилган, Маъсудбекка Уйғуристонга қарашли Хўтан, Қошғар, олмалик, Қояликдан то Самарқанд ва Жайхун дарёси соҳилларигача, Бешбалиқ ва Қорахўжа ерлари инъом этилган. Чиғатой улусида Кепакхон ҳукмронлиги давригача (1309, 1318-1326) сиёсий барқарорлик бўлмади ва бир қанча сиёсий курашлардан сўнг, 1251 йил Қорақумда бўлган қурултой қарорига кўра Чиғатой улуси икки қисмга бўлиниб кетди: Шарқий Туркистон, Ғулжа ўлкаси, Еттисув, Фарғонанинг шимолий-шарқий қисми қоон ихтиёрида қолган бўлса, мовароуннахр, Фарғонанинг ғарбий қисми Олтин Ўрда кўл остига ўтди.

Олғуй ибн Бойдар ибн Чиғатой (1261-1266) Чиғатой улусини Олтин Ўрда таъсиридан қутқариш чораларини кўрган бўлса, Бароқ ибн Йисонқур ибн Комкор ибн Чиғатой (1266-1271) Чиғатой улусини анча кучайишига эришди. Бироқ, кўп ўтмай Чиғатой улуси Ўғдайнинг набираси Кайду ва Олтин Ўрда хони Мангу Темур (1267-1280) таъсирига тушиб қолди. Кайду Чиғатой улуси тахтига Бароқхоннинг ўғли Дувахонни (1291-1306) ўтказди. Андижоннинг тикланиши, Ўзганнынг Фарғона ўлкаси пойтахтига айлантирилиши унинг номи билан боғлиқ. Дувахон Кайду билан ҳамкорликда катта эътиборга эришди. Дувахон вафотидан сўнг унинг ўғиллари Кунжакхон ва толғу ибн Қудуғай ибн Бўри мутуган ибн Чиғатойлар хонлиги узоққа чўзилмади.

Кепакхон уруғдошларининг барча низоларига барҳам берди ва марказий ҳокимятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Чиғатой давлатининг ривожини, шаҳарлар қурилишига омил бўлган пул ва маъмурий ислохотлар Кепакхон номи билан боғлиқ. Насафдан икки фарсах масофада қурилган

Қарши шаҳри унинг номи билан боғлиқ. Маъмурий ислохотларга кўра мамлакат Бухоро ва Самарқанд виоятларида туманларга, Фарғона ва Шарқий Туркистонда орчинга (пойтахт атрофи ноҳиялари) бўлинди. Янги пул бирлиги «кепакий» деб юритилган ва бир динор кепаккий икки мисқол, бир дирхам кепаккий учдан бир мисқолга тенг бўлган.

1326 йил Дувахоннинг ўғиллари Элчигидой ва Дурра Темур ўртасида тахт учун курашлар бошланди. Кейинчалик тахтни эгаллаган Аловуддин лақабли Тармаширин (1326-1334) мустахкам мавқега эга бўлди. Дувахоннинг набиралари Бузан, Чанкши, Есун Темур 1334-1338 йилларда номигагина хон бўлиб турдилар. XIV аср 40-йилларида Чиғатой улуси иккига-Еттисув,, Фарғонанинг Шарқий қисми, Шарқий Туркистонда иборат Мўғулистонга бўлиниб, сиёсий жихатдан парчаланди.

Мўғуллар давлати ярим кўчманчи, харбий тартибларга эга сиёсий ташкилот эди. Чингизхон ва унинг авлодлари хон унвонида бўлиб, уларнинг қўл остида харбийлашган амалдорлар поғонаси турарди. Чиғатой улуси даврида Мовароуннахрни бошқариш маҳаллий ҳукмдорларга топширилган. Бухорода эса маҳаллий зодагонлар ва рухонийлар ҳокимиятини ўз қўлларига олган бўлиб, амирлар ва садрлар деб юритилган.

Чиғатой улуси хонлари ўз ерларини инжу тарзида бошқариб, фақатгина даромаддан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Ер солиғи мол (хирож) ўн фоизни ташкил этган. Кўчманчилар тўлайдиган қўпчур юз бошдан бир бош ҳисобида бўлган. Савдодан тарғу жаримаси олинган. Мунқа номидан пул зарб этилган, 1270 йилдан бошлаб, солиқлар пул кўринишида олинган. Пул улуснинг энг йирик шаҳарларидан зарб этилган. 1271 йил Маъсудбек пул ислохоти ўтказди ва улуснинг барча ҳудудлари учун бир хил вазндаги кумуш тангалар муомилага киритилди. Ислохот иқтисодий муносабатларнинг жонланишига олиб келди ва XIII асрнинг 80-90 йилларида улуснинг 16 шаҳрида шундай зарбхоналар очилди.

Юқорида айтилган солиқлардан ташқари чорвадорлардан шулси солиғи олинган: шар сурувдан бир қўй ва минг бош отдан бир бош бия.

Хунарманд, савдогарлардан олинадиган тарғу солиғи ўттиздан бир улуш миқдорида бўлган. Бундан ташқари халқ турли йиғимлар ва тўловларга, мажбурий ишларга ҳам жалб этилган. Улуғ қонлар Гуякхон (1246-1248), Мунқахон (1251-1260), Чигатой хони Олғуй (1261-1266) ҳукмронлиги вақтида бошқа мўғул шахзодаларининг Мовароуннахр ички ҳаётига аралашувига чек қўйилган, бу эса аста-секин иқтисодий ҳаётнинг жонланишига таъсир кўрсатган. XIII аср ўрталаридан бошлаб, ўзбек қабилаларининг ўзаро уюшуви кучаяди. Жумладан барлослар Қашқадарёда, жалойирлар Охангарон водийсида, арлотлар Афғонистоннинг шимолида, қовчинлар Фарғона водийсида мустаҳкам ўрнаша борадилар. Бу ҳол ўзбек халқининг ташкил топишида муҳим омиллардан бири бўлган.

XII асрнинг бошларига келиб (1206-1215) Мўғулистонда Чингизхон ҳукмронлигида кўчманчи мўғулларнинг улкан давлати пайдо бўлди. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудларида хоразмшоҳлар давлати мавжуд бўлиб, ўзаро урушлар ва бошбошдоқлик оқибатида бу қудратли салтанат инқирозга юз тута бошлаган давр эди. Чингизхон билан Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасида қисқа муддат (1215-1218) элчилик муносабатлари давом этган бўлишига қарамай бу муносабатлар охир-оқибат фожиага тугади. Ғарбий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган мўғул қўшинлари хоразмшоҳлар давлатидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тушқунлик вазиятидан фойдаланиб, қисқа муддатда (1218-1221) Ўрта Осиё ерларини босиб оладилар.

Асрлар давомида моддий ва маънавий маданияти ривожланиб келган Ўрта Осиёдаги кўпгина шаҳарлар - Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Термиз, Ўтрор, Ўзган, Урганч, Кеш қабилар вайронага айлантирилди. Дехқончилик воҳалари харобазорга айланди. Мўғул босқинчилари маҳаллий аҳолига ҳамда уларнинг маданиятига ҳеч

бир шафқат қилмадилар. Араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1160-1214) Ўрта Осиёдаги мўғул босқини ҳақида шундай ёзади: «...Хитой чегараларидан бир халқ чиқиб, Туркистондаги Қашқар ва Баласоғун каби вилоятларни, Мовароуннаҳрдаги Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларни... вайрон этиб, қирғин қилиб, талон-торож қилиб эгаллади. Татарлар (мўғуллар) ҳеч қайси шаҳарни омон қолдирмадилар, кетаётиб вайрон этдилар. Улар ниманики ёнидан ўтган бўлсалар, ўзларига ёқмаган нарсаларга ўт қўйдилар».

Ўрта Осиё халқлари мўғул босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураш олиб борди. Хусусан, Ўтрор ҳокими Иналхон, Бухоро мудофаачилари Ихтиёриддин Қушлу, Ўамид Пура Қорахитой, Суюнчихон, Хўжанд ҳокими Темур Малик, Урганч шайхи Нажмиддин Кубро, шахзода Жалолиддин кабилар Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун қон тўкиб курашдилар. Аммо улар она-юрт озодлигини сақлаб қолиша олмади. Мўғуллар истильоси оқибатида Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг обод вилоятлари, шаҳарлари харобазорга айлантирилди.

Зарафшон, Марв, Хоразм воҳаларида суғориш тармоқлари бузиб ташланиши натижасида ям-яшил далалар, боғ-роғлар харобазорга айланди. Бу даврда илм-фан ва маърифатга етказилган жароҳат ҳам оз бўлмади.

Босқинчилар тўс-тўполони вақтида Бухорода, Самарқандда, Урганчда бир нечта кутубхоналар ёниб кетди. Мисол учун Бухорода «Масъудия» мадрасаси ва катта кутубхона ёниб кетди. Фақат ХИИИ асрнинг 70-80- йилларига келиб Ўрта Осиёда аста-секинлик билан бўлса-да, шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик жонлана бошланди. Мўғул

босқини даврида инқирозга юз тутган фан-адабиёт, маърифат ва маданиятнинг айрим тармоқлари ҳам тиклана бошлайди. ХИИИ асрда Бухорода «Масъудия» ва «Хония» мадрасалари қурилди. Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий кабилар адабиёт соҳасида ижод этдилар. Ундан ташқари Абу Умар Мирхожиддин Жусжонийнинг «Табақоти Носирий», Алоуддин Отамалик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳон гушай» («Жаҳон фотиҳлари тарихи»), Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг «Жоме ат-таворих» («Тарихлар тўплами») каби тарихий асарлари яратилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ 1998
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон» 1992
3. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепцияси. Ғ Ўзбекистон тарихи. 1999 йил 1-сон.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., Шарқ 2000
5. Сагдуллаев А. ва б. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тарққиёти. Т., «Академия» 2000
6. Абулғози. «Шажараи турк». Т.. Чўлпон, 1990.
7. Зиё Буниётов. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. Т., Ғ.Ғулом, 1998.